



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

2021 йил “16” Июль

№ 311

Тошкент ш.

### Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Раҳбарининг 2021 йил 22 июндаги 02-РА1/1-1030-сонли топшириғини бажариш, Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида” Қонунига мувофиқ олий таълимнинг ўқув-услубий ва норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш мақсадида

### Б У Ю Р А М А Н:

1. “Олий таълимнинг Давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар” ҳамда “Олий таълимнинг Давлат таълим стандарти. Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида” Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли, “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” 2021 йил 3 февралдаги ПФ-6155-сон фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг миллий статистика тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 3 августдаги ПҚ-4796-сонли қарори, UNESCO томонидан жорий этилган “Таълимнинг халқаро стандарт классификацияси” (ТХСК 2011) ва “ТХСК: Таълим ва касбий тайёрлаш соҳалари” (ТХСК-С 2013) ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ишлаб чиқилгани маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

“Олий таълимнинг Давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар” 1-иловага мувофиқ;

“Олий таълимнинг Давлат таълим стандарти. Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори” 2-иловага мувофиқ;

Олий таълим соҳалари бўйича таянч олий таълим муассасалари 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг янги (ТХСК 2011 ва ТХСК-С 2013 га мувофиқ ишлаб чиқилган) ва аввалги кодларини таққослаш учун ишлаб чиқилган “Олий таълимнинг Давлат таълим стандарти. Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”нинг солиштирма жадвали 4-иловага мувофиқ амалиётда қўлланилсин.

4. Олий таълим стандартлари ва норматив таъминоти бош бошқармаси (С. Ниязбеков):

“Олий таълимнинг Давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар” ва “Олий таълимнинг Давлат таълим стандарти. Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида” Қонунининг 26 ва 34-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланганини;

мамлакатнинг барча давлат олий таълим муассасалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий таълимнинг давлат таълим стандартлари асосида кадрлар тайёрловчи нодавлат таълим ташкилотлари учун мажбурийлигини олий таълим муассасалари ва тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идораларга етказилишини таъминласин.

5. Қуйидагилар:

олий таълимнинг бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича ўқув режалар ва ўқув дастурлар давлат олий таълим муассасалари томонидан мустақил ишлаб чиқилиши ва тасдиқланиши;

2020/2021 ўқув йилида кредит-модуль тизимига ўтмаган барча олий таълим муассасалари идоравий бўйсунушидан қатъий назар 2021/2022 ўқув йилида биринчи курсидан бошлаб таълим жараёнини кредит-модуль тизими асосида юритиши;

биринчи курсдан ташқари бошқа курсларда мавжуд меъёрий-услубий хужжатларга мувофиқ рейтинг (баҳолаш) тизими асосида таълим жараёнини жорий таълим дастурлари яқунлагунига қадар давом эттирилиши белгилансин.

6. “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”га мувофиқ олий таълим соҳалари бўйича меъёрий-услубий хужжатларни ишлаб чиқишни мувофиқлаштириш бўйича Ишчи гуруҳ таркиби (кеинги ўринларда Ишчи гуруҳ деб юритилади) 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

7. Таянч олий таълим муассасалари ректорлари, Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази (М.Эсонов):

тасдиқланган “Олий таълимнинг Давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар” ва “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори” асосида мувофиқ равишда тегишли бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича малака талабларини касб стандартлари, кадрлар буюртмачилари, иш берувчи корхона ва ташкилотларнинг талаб ва эҳтиёжлари асосида 6-иловага мувофиқ шаклда ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда тасдиқлашга тақдим этилишини;

мазкур меъёрий-услубий хужжатларни ишлаб чиқиш, белгиланган тартибда тасдиқлаш ва 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб жорий этиш вазифасини 9-иловага мувофиқ тақвимий режага қатъий амал қилган ҳолда бажарилишини таъминласин.

8. Олий таълим муассасалари ректорлари:

давлат таълим стандартлари ва малака талабларига мувофиқ тегишли ўқув режаларини кредит-модуль тизими асосида 7-иловага мувофиқ шаклда ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда тасдиқлашни;

давлат таълим стандартлари, малака талаблари ва ўқув режаларга мувофиқ тегишли ўқув дастурларни 8-иловага мувофиқ шаклда ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда тасдиқлашни;

ҳар бир бакалаврият таълим йўналишининг ўқув режаси билан биргаликда мажбурий тарзда бакалаврият таълим йўналишининг фанлар кесимида касбий компетенциялари жадвали ишлаб чиқилишини, ушбу жадвалда фан коди, фан ёрдамида эгалланадиган зарурий касбий компетенциялар, фан қайси курсда ўтилиши, малака талабларида ҳамда касб стандартларида белгиланган компетенцияларга мос равишда ифодаланишини;

мазкур меъёрий-услубий хужжатларни ишлаб чиқиш, белгиланган тартибда тасдиқлаш ва 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб жорий этиш вазифасини 9-иловага мувофиқ тақвимий режага қатъий амал қилган ҳолда бажарилишини таъминласин.

Мазкур меъёрий-услубий хужжатларни мукамал ишлаб чиқиш мақсадида олий таълим муассасалари томонидан таълим йўналишлари ва мутахассисликлар бўйича олий таълим муассасалариаро маслаҳат гуруҳларини (комиссияларини) ташкил қилиш, ушбу гуруҳларда таълим соҳалари бўйича таянч олий таълим муассасалари иштирокини таъминлаш мақсадга мувофиқ.

9. Идоравий мансублигидан қатъий назар олий таълим муассасалари зарур ҳолларда (ихтиёрий тарзда) Ўзбекистон Республикасининг бошқа (таянч) давлат олий таълим муассасалари томонидан ишлаб чиқилган

ва тасдиқланган бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича ўқув режа ва ўқув дастурларини таълим жараёнида ишлатиш ҳуқуқига эгаллиги белгилансин.

10. Олий таълим стандартлари ва норматив таъминоти бош бошқармаси (С.Ниязбеков), Олий таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш бош бошқармаси (А.Холиков), Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази (М.Эсонов):

тасдиқланган “Олий таълимнинг Давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар” ва “Олий таълимнинг Давлат таълим стандарти. Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”ни мазмун-моҳиятини барча олий таълим муассасаларига етказилишини ва тушунтирилишини;

олий таълимнинг ўқув режалари ва ўқув дастурлари давлат олий таълим муассасалари томонидан мустақил ишлаб чиқиши ва тасдиқланишини ҳисобга олиб, олий таълим муассасалари ўртасида таълим дастурларининг соғлом рақобат муҳити шаклланиши, доимий мониторинг ва таҳлиллар асосида ушбу меъёрий-услубий ҳужжатларнинг энг илғор ва сифатлиларини аниқланиши йўлга қўйилишини;

2021 йил 20 августга қадар таълим жараёнига оид вазирликнинг бошқарув-маъмурий, меъёрий-услубий ва ўқув-услубий ҳужжатларини мазкур буйруқ асосида қайта кўриб чиқишини ҳамда тасдиқланган стандартлар билан мувофиқлаштирилишини;

жорий ўқув йилида кредит-модуль тизимига ўтмаган барча олий таълим муассасаларига тасарруфийлигидан қатъий назар 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб кредит-модуль тизимига ўтказилишида яқиндан ўқув-услубий ёрдам ва ташкилий кўмак кўрсатилишини таъминласин;

11. Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази (М.Эсонов) олий таълим муассасалари билан биргаликда:

тасдиқланган олий таълим давлат таълим стандартлари белгиланган тартибда Давлат рўйхатидан ўтказилишини;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълим муассасаларида таълим жараёнини ташкил этиш билан боғлиқ тизимни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 31 декабрдаги 824-сон қарори билан тасдиқланган “Олий таълим муассасаларида ўқув жараёнига кредит-модуль тизимини жорий этиш тартиби тўғрисида низом”га мувофиқ олий таълим фанлари каталоги (Фанлар каталоги)ни ишлаб чиқиш ва уни амалиётга татбиқ этилишини;

Фанлар каталогига киритилган мажбурий ва танлов фанларининг кодларини халқаро стандартлар тамойилларига таянган ҳолда тизимли ишлаб

чиқиш ҳамда олий таълим муассасалари билан биргаликда уларни тайёрланаётган ўқув режа ва ўқув дастурларига татбиқ қилинишини;

олий таълим муассасалари томонидан тайёрланган ўқув дастурлар олий таълимнинг давлат таълим стандартлари, малака талаблари ва ўқув режаларга мувофиқлиги ҳамда сифати нуқтаи назаридан мониторинг ва таҳлил қилинишини;

мониторинг ва таҳлил натижалари Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгаш муҳокамасига олиб чиқилишини ва баҳолашини;

2021/2022 ўқув йили бошлангунига қадар кредит-модуль тизимига ўтаётган олий таълим муассасалари раҳбарлари билан биргаликда тажрибали мутахассисларни жалб этган ҳолда профессор-ўқитувчилар учун мақсадли семинар ва тренинглар ўтказилишини;

олий таълим муассасалари томонидан меъёрий-услубий ҳужжатлар ишлаб чиқилиши жараёнида уларга яқиндан услубий ёрдам кўрсатилишини;

белгиланган тартибда тасдиқланган малака талаблари, ўқув режалар ва ўқув дастурларнинг нусхаларини Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни тадбиқ этиш марказида сақланишини;

меъёрий-услубий ҳужжатлар тайёрланиши юзасидан 9-иловага мувофиқ тақвимий режа асосида изчил мониторинг амалга оширилишини таъминласин.

12. Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бошқармаси (А.Абдуллаев)га олий таълим муассасалари мурожаатига мувофиқ кредит-модуль тизимига асосланган таълим жараёнини бошқариш бўйича ахборот тизимини йўлга қўйиш, уни созлаш ва ишлатиш масалаларида яқиндан ёрдам кўрсатиш вазифаси юклатилсин.

13. Мазкур буйруқ ижроси назорати вазирнинг биринчи ўринбосари К.Каримов зиммасига юклансин.

Вазир



А. Тошқулов